



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

*Рузметов Даврон Иброгимович -
Урганч давлат университети
таянч докторанти*

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a63](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a63)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг экспорт ҳажмини оширишда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ролини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш, шунингдек, аграр-секторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ва келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, экспорт, экспорт фаолияти, экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, аграр-сектор экспорти, кредит, рақобат, миллий маҳсулот.

МЕРЫ ПО УВЕЛИЧЕНИЮ ОБЪЕМОВ ЭКСПОРТА СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

*Рузметов Даврон Иброгимович -
Базовый докторант Ургенчского
государственного университета*

Аннотация. В данной статье рассмотрена роль субъектов малого и частного предпринимательства в увеличении объема экспорта Республики Узбекистан, усилении финансовой поддержки предприятий-экспортеров, повышении конкурентоспособности национальной продукции на внешних рынках и увеличении валютных поступлений, а также в статье рассмотрено увеличение объемов экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в агропромышленном комплексе, проанализирована работа, проведенная в связи с развитием, и даны научно обоснованные предложения по определению основных направлений перспективного развития.

Ключевые слова: предпринимательство, экспорт, экспортная деятельность, фонд поддержки экспорта, экспортный кредит аграрного сектора, конкуренция, национальный продукт.

MEASURES TO INCREASE EXPORT VOLUME OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

*Ruzmetov Davron Ibrogimovich -
Urganch State University, PhD student*

Annotation. This article discusses the role of small and private businesses in increasing the volume of exports of the Republic of Uzbekistan, strengthening financial support for exporting enterprises, increasing the competitiveness of national products in foreign markets and increasing foreign exchange earnings, and the article also considers an increase in exports of small businesses and private entrepreneurship in the agro-industrial complex, the work carried out in connection with development was analyzed, and scientifically sound proposals were made to determine the main directions for future development.

Key words: entrepreneurship, export, export activity, export support fund, export credit of the agricultural sector, competition, national product.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий тамойилларидан бири экспортни ривожлантириш, бу орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Хусусан, бошқа ривожланган мамлакатлар сингари экспортда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ошириш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Чунки айнан, хусусий секторда кучли рақобат мавжудлиги ва бунинг натижасида жадал ривожланишни кузатиш мумкин. Ушбу пировард мақсадларга эришиш учун айнан рақобатдош корхоналар, хусусан, янги иннова-

цион ғояларга таянган ҳолда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришган тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу соҳани янада ривожлантириш назарда тутилади.

Давлатимиз томонидан миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент фармонлари, қарорлари ва давлат дастурлари қабул қилиниб, тадбиркорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги улуши ошишига замин яратилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қуйидагилар экспорт соҳасида асосий мақсад қилинган эди: экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш ва сафарбар этиш.

Республикада тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорлардаги иштироки ва экспорт фаолиятини янада кенгайтириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Маълумки, ҳозирда ташқи бозорларда кескин рақобат ва давом этаётган иқтисодий инқироз шароитида эмин-эркин экспорт фаолиятини юритиш, янги бозорларга кириб бориш мураккаб масала. Ушбу вазиятда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг эгилувчанлиги, қийин шароитларга тезда мослаша олиши билан экспорт фаолиятининг динамикасини таъминлайди.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини ривожлантириш учун ҳам сўнгги йилларда кенг қўламли ишлар амалга оширилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши ва ривожланишида экспорт ўрни катта эканлигини бевосита олимларимиз таҳлилларида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, бу борада бир қатор олимлар томонидан ёзилган илмий мақолаларда, айнан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт қилиш имкониятлари юзасидан сўз юритилган.

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти иқтисод фанлари доктори, профессор М.М.Мухаммедов ва тадқиқотчи С.Ш.Тўрабеков ўзларининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари” номли мақола-сида кичик бизнес корхоналарининг товар ва хизматлари экспортини амалга ошириш механизмнинг ўта мураккаблиги, уларни ўтказиш муддатлари қийматининг юқорилигини билдирган [1].

Тошкент давлат иқтисодий университети доценти Р.Т.Турсуновнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳияти ва уни ошириш йўллари” номли мақола-сида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экс-

порт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича механизм яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган [2].

Россиялик олимлардан С.С.Морковина, В.В.Малитская, Э.А.Панявина, И.В.Сибиряткина ҳаммуаллифликда ёзган “Export Potential and Measures to Support Small and Medium-Sized Enterprises” номли мақола-сида молиявий қўллаб-қувватлаш механизмни ўзгартириш зарурлиги ва экспортга йўналтирилган кичик ва ўрта корхоналар, яъни тўғридан-тўғри экспортни қўллаб-қувватлашдан ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирган корхоналарни қўллаб-қувватлашга ўтиш механизмларини ишлаб чиқиш ва қўллашни таклиф қилинган [3].

Тошкент давлат иқтисодий университети доценти Муратов Рахмон Сайибовичнинг “Худудий кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида божхона тизими хизматларини такомиллаштириш омиллари” номли мақола-сида худудда рўйхатдан ўтган корхоналар томонидан бошқа вилоятлардан экспортга чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари вилоят худудий экспорт кўрсаткичларида кўрсатилмаслиги айтиб ўтилган [4].

Тошкент молия институти доценти И.М.Алимардонов “Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг айрим долзарб масалалари” номли илмий мақола-сида кичик бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш тузилмаси ҳамда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан мазкур субъектлар фаолиятини кредитлаш амалиёти ҳақида фикрлар билдирилган [5].

Наманган муҳандислик-технология институти тадқиқотчиси М.М.Ашуров “Кичик бизнес субъектларида стратегик менежментдан фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси” номли мақола-сида тадбиркорликка алоҳида таъриф бериб ўтган, яъни тадбиркорлик иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади. Тадбиркорлик иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг бошланғич босқичи, одатда, фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шаклни олади [6].

Тошкент давлат иқтисодий университети Сиртқи бўлими Менежмент ва маркетинг кафедраси ассистенти Ш.М.Камбарова “Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш – экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш асоси (тўқимачилик корхоналари мисолида)” номли мақола-сида иш-

лаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш бугунги кунда республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш билан бевосита боғлиқлигини билдирган [7].

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти Н.Ж.Носирова “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш” номли мақоласида мамлакатда экспортга йўналтирилган корхоналарни ривожлантириш ва фаоллаштириш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишда масъул бўлган таркибий бўлинмани шакллантириш кераклигини таъкидлаб ўтган [8].

Юкорида олимлар томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмини ошириш борасида ўтказган таҳлили натижаларига кўра, айнан бу йўналишда алоҳида механизм ишлаб чиқиш таклиф этилганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада давлатимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилганлигини олиб борилган изланишларимиз самараси, таҳлил ва натижаларда кўриб ўтишимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмини ошириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар ва статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт ҳажмини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

2017 йилда ушбу Фонд томонидан 2162 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини экспорт қилишда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилган, жумладан, 1767 та тадбиркорлик субъектига ташқи бозорларни ўрганиш, 127 та тадбиркорлик субъектига хорижий ҳамкор топиш, 135 та тадбиркорлик субъектига халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, халқаро сертификатлар олиш ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда кўмак берилган. Бунинг натижасида 2017 йилнинг

тўққиз ойи якунлари бўйича 395 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 1093 млн. долларлик экспорт амалга оширилган [9].

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида эса Фонд томонидан умумий қиймати 5219 млн. сўм, шундан 4030 млн. сўм миқдорида фойсиз молиявий қарзга молиявий кўмак ажратилган.

Бундан ташқари яратилаётган имкониятлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши иқтисодиётимиз рақобатбардошлигининг ошишига замин бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар экспортининг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши охириги 15 йилда 3 маротаба ошган ва 2017 йилда 27 фоизга етган. Кейинги 5 йилда эса экспорт фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар сони 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари сони 1,6 баробарга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг, мос равишда, 212 ва 230-моддаларига асосан:

– товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш айланмасига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;

– акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги 2613-сонли Фармонида [10] асосан экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзлари ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида 30 фоизга қисқариши ва 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида 2 маротаба камайтирилиши белгилаб берилган бўлса, 2017 йилнинг 21 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3077-сонли қарорига асосан ушбу имтиёзлар ўзлари эгаси бўлган маҳсулотларни экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилиши белгилаб берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаш шarti билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилишга ҳам рухсат этилди.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбарининг 2017 йилнинг 25 майида қабул қилган «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5057-сонли Фармонида асосан тадбиркорлик субъектлари учун 100 минг долларгача бўл-

ган миқдордаги ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш учун олдиндан тўлов шартсиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилди [11].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли фармони билан республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулотларни импорт қилишда хорижий валютага эҳтиёж бўйича мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган зарур шарт-шароитлар яратиб берилди [12]. Маълумки, ушбу фармон билан яна жорий йилнинг сентябрь ойидан экспорт қилувчи хўжалик субъектлари учун маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилишдан валюта тушумларини мажбурий сотиш бўйича талаб ҳам бекор қилинди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, экспортбоп, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, корхоналаримиз рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида 2017 йилнинг 29 сентябрь куни Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3303-сонли қарори қабул қилинди [13]. Ушбу қарор билан республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, материал, асбоб-ускуна билан корхоналарни таъминлаш мақсадида ушбу товарларга божхона божи ва акциз солиғи ставкалари деярли олиб ташланди.

COVID-19 пандемияси оқибатлари келтириб чиқарган глобал иқтисодий инқироз шароитида тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада рағбатлантириш муҳим устуворликлардан бири ҳисобланади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш учун ваколатли орган ҳисобланади. У экспорт қилувчиларга халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш, миллий маҳсулотлар ва брендларни ташқи бозорларга чиқариш ҳамда халқаро стандартлаштириш ва халқаро сертификатларни олиш учун сарфланган харажатларни компенсация қилиб беради.

Бундан ташқари экспорт қилувчилар агентлигига мурожаат қилиб, маҳсулотни экспорт бозорларига ташиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача қоплаш учун компенсация, шунингдек, суғурта хизматлари экспорт қилувчилар томонидан гаров сифатида фойдала-

нилган тақдирда суғурта мукофотининг компенсациясини олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 21 октябрда ПФ-6091-сонли фармони қабул қилинган. Ушбу фармон мамлакатда экспортни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг мантикий давомидир [14].

Ҳужжат экспорт қилувчилар учун қатор қўшимча имтиёزلарни назарда тутди. Хусусан, ҳужжатда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган компенсациялар ва кафолатлар бўйича янги имтиёзлар тасдиқланди.

Биринчидан, агар бугунги кунга қадар тижорат банкларининг экспортда кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар фақат ишлаб чиқарувчилар – экспорт қилувчиларга берилган бўлса, эндиликда фармонга биноан ушбу преференция асосий фаолияти савдо воситачилиги бўлган экспорт қилувчиларга ҳам жорий этилади.

Иккинчидан, шу пайтгача экспорт қилувчиларнинг тижорат банкларидан олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсацияларни тақдим этиш фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган кредитларга нисбатан ва фақат қайта молиялаш ставкасидан ошиб кетган қисмида амалга оширилган. Энди эса фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация фоиз ставкаси ва кредит ҳажмидан қатъи назар тақдим этилади.

Учинчидан, айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банкларидан олинмайдиган кредитлар бўйича тақдим этиладиган кафолат миқдори (кредит миқдорининг 50 фоизигача) 4 миллиарддан 8 миллиард сўмгача оширилди.

Тўртинчидан, шу кунга қадар компенсация берилган илгари ажратилган кредит бўйича қарздорлик юзага келган тақдирда, экспорт қилувчи компенсация ва кафолат олиш имтиёзидан қайта фойдалана олмас эди. Энди эса олдинги кредитлар бўйича мажбуриятларга қарамай, ижобий кредит тарихи бўлган ҳолда қўшимча кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва кафолатлар берилади. Шу билан бирга, тақдим этилган кафолатлар бўйича олинмайдиган комиссия миқдори 1 фоиздан 0,5 фоизгача камайд.

Таъкидлаш жоизки, фармоннинг қабул қилиниши билан маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш давлат институти сифатида Экспортни ривожлантириш агентлигининг функциялари ва ваколатлари кенгайти-

рилди. Эндиликда агентликка тижорат банкларини экспортгача молиялаштириш ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини амалга оширишга кредитлар ажратиш учун молиявий ресурсларни тақдим этиш, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва молия компаниялари маблағларини экспортгача молиялаштиришга жалб қилиш бўйича вазифаларни ҳал қилиш ваколати берилди.

Ушбу мақсадда Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузурида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, унинг ҳисобидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида молиявий ресурсларни ажратиш механизми жорий этилди. Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ресурс базасини шакллантириш ва фаолиятини бошлаш учун Ўзбекистон Тикланиш ва

тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 млн. АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилди.

Жамғармани ташкил этиш экспортни қўллаб-қувватлаш бир бутун миллий тизимини шакллантиришнинг муҳим босқичига айланади, унинг функционал элементлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳисобланади.

Охириги беш йилда давлатимизнинг экспорт ҳажмининг динамикаси йилдан-йилга ортиб борганлигини товар ва маҳсулотлар ҳамда алоҳида тадбиркорлик субъектлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, давлатимизнинг чет эллик ҳамкорлар билан маҳсулотларнинг айрим турларига экспорт шартномалари ортганлиги ва пандемиянинг салбий оқибатлари натижасида ўшбу кўрсаткич тушиб кетганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Маҳсулот турлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт динамикаси (млн. АҚШ доллари ҳисобида) [8]

Маҳсулот турлари	Йиллар						2020 йил 2010 йилга нисбатан фарқи
	2010 йил	2012 йил	2014 йил	2016 йил	2018 йил	2020 йил	
Пахта толаси	1572,7	1259,7	1047,7	637,3	222,1	146,9	-90,659
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1260,5	878,2	1675,6	694,5	1097,8	1443,8	14,542
Кимё ва ундан таёрланган маҳсулотлар	661,3	764,1	643,7	841,1	905,3	408,8	-38,182
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	2973,8	4704,6	3110,2	1713,9	2666,8	873,2	-70,637
Қора ва рангли металллар	894,4	1055,2	978,3	708,6	1171,9	317,5	-64,501
Машина ва асбоб-ускуналар	715,4	879,7	546,3	220,7	212,8	442,0	-38,216
Хизматлар	1335,5	2356,4	3030,2	3120,6	3070,0	2005,0	50,131
Бошқалар	3609,8	1701,7	2513,7	4158,0	4644,0	2486,1	-31,129

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар экспорти бошқа маҳсулот турларига қараганда кўпроқ табиий ва иқлим шароитига боғлиқлиги ҳамда қулай мавсум бўлганида ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб, замонавий илғор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда етказиб берувчи узвий занжирини ўз ичига олади. Давлатимиз аграр соҳада ривожлангани сабабли ушбу соҳада етиштирилган маҳсулотлар экспорт ҳажмининг ҳам йилдан-йилга ортиб борганлигини қуйидаги 2-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Давлатимизнинг экспорт ҳажмини янада ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган, жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг Миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасидаги мақсад-

ларда тадбиркорларга имкониятлар яратилган. Жумладан, 28-мақсад:

Республиканинг экспорт ҳажмини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш [15].

Экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт ҳажмини ошириш.

Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий sanoat тармоқлари экспорт ҳажмини янада ривожлантириш.

Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш.

Хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

Автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 миллиард АҚШ долларига етказиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти (минг АҚШ долл.) [9]

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й. 2021+
Жами экспорт	12 507 618,1	12 094 646,3	12 553 738,7	13 990 745,8	17 458 687,8	15 102 281,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти	1 898 626,7	1 232 615,6	1 170 443,5	1 111 653,4	1 536 551,4	1 194 687,1
Кичик бизнес субъектларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти:	208 017,3	463 420,1	664 482,5	442 322,7	1 297 022,2	1 037 621,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида кичик бизнес улуши, %	11,0	37,6	56,8	39,8	84,4	86,9

Туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан. дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш.

Экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш.

Экспорт таркибида тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6 500 тадан 15 000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш.

«Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида 200 та экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларида эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйиш.

30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт ҳажмини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш.

Яратилаётган бундай имкониятлар шубҳасиз иқтисодийтимиз рақобатбардошлигини ошириш, унинг таянчи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланиши, уларнинг қулай ишлаб чиқариш муҳитида фаолият олиб бориши ва пировардида экспортни янада рағбатлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Мақолада келтирилган илмий таҳлиллар, айнан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳажмини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги ва бу борада янада изчил вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Фикримизча, ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида қуйидаги асосий йўналишларда чора-тадбирларни қўллаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мустақил экспорт қилиш қобилиятини ошириш, жумладан, ушбу соҳага ўқитиш ва қайта тайёрлаш институтини жорий қилиш.

2. Маҳсулотларни экспорт қилиш учун ягона интерактив давлат хизматлари порталини яратиш ва бу орқали экспортчилар маҳсулотларини хорижга тавсия қилиш.

3. Экспорт қилинадиган маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаш тизимини янада такомиллаштириш ва тадбиркорларга маҳсулотларни жаҳон бозорига қандай тартибда ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш бўйича олдиндан маълумотлар бериб бориш.

4. Энг яхши экспортёр тадбиркор шиори асосида республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорлар ўртасида совринли танлов ўтказиб бориш

1. Тўрабеков С.Ш., Мухаммедов М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари. // Иқтисод ва молия, 2016, 2.
2. Турсунов Р.Т. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлар экспорт салоҳияти ва уни ошириш йўллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2016 йил.
3. Morkovina S.S., Malitskaya V.V., Panyavina E.A., I.V. Sibiryatkina “Export Potential and Measures to Support Small and Medium-Sized Enterprises” *European Research Studies Journal Volume XXI, Special Issue 1, 2018, pp. 303-314.*
4. Муратов Р.С. Ҳудудий кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида божхона тизими хизматларини такомиллаштириш омиллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 3-сон, май-июнь, 2017 йил.
5. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг айрим долзарб масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 5-сон, сентябрь-октябрь, 2017 йил.
6. Ашуров М.М. Кичик бизнес субъектларида стратегик менежментдан фойдаланишнинг жоржий мамлакатлар тажрибаси. // Тафаккур манзили. 6-сон, июнь, 4-8-б.
7. Камбарова Ш.М. Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш – экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш асоси (тўқимачилик корхоналари мисолида). // Иқтисод ва молия. / Экономика и финансы. 2021, 6 (142.)
8. Носирова Н.Ж. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш. // Иқтисодиёт ва таълим. / 2021 йил, 5-сон, 309-б.
9. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилнинг 5 июндаги 2613-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПФ-5057-сонли «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 5177-сонли фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3303-сонли қарори. 29.09. 2017 й.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6091-сонли фармони. 21.10. 2020 й.
15. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. <https://strategy.uz/index.php?news=1459>